

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил июль ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Мирзаев, судья ёрдамчиси Ж.Ўроловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Кенжаев, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Жуманиёзовнинг иштирокида, ХХХга нисбатан 1-1901-2501/213-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

ХХХ 2002 йил 23 ноябрь куни Музработ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] яшайди, унга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, соғлиги яхши, судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши материалларини батафсил тафтиш этиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, томонларнинг музокара нутқини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

ХХХ 2023 йил 28 март куни соат 04³⁸да ўзининг “Dell” русумли “Notebook”ига ўрнатилган 99.689-74-23 рақамига фаоллаштирилган «Telegram» ижтимоий тармоғидаги ўзининг “Ramazon” номи билан очилган профилида фаоллаштирилган 12 нафар аъзоси бўлган “206-gruhur Bollari” номли telegram гуруҳига 03:55 дақиқадан иборат бўлган “Ўзбекистон исломий ҳаракати-ЎИҲ” террорчи ташкилотнинг аъзоси Асадуллоҳ Урганчий томонидан ижро этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 24.05.2025 йилдаги №ИН-300-сонли хулосасига кўра, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган “@Xadis_va_hayot_nasheed????-Xor_bo'ladi” номли аудиоматериални тарқатганлиги ИИБ ходимлари томонидан 06.05.2025 йилда ўтказилган тезкор-қидирув тадбири жараёнида аниқланиб, ХХХнинг “Dell” русумли “Notebook” ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Суд мажлисида сўралган судланувчи ХХХ ўзининг кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Термиз давлат университети хорижий филология



факультети 3-босқичида таҳсил олиб келаётганлиги, 2025 йил 06 май куни ИИБ ходимлари Термиз шаҳар ИИБга етиб келишни айтганлиги, Термиз шаҳар ИИБда ходимлари билан суҳбатлашиб, улар ўзига тегишли бўлган “DELL” русумли “Notebook”нинг хотираси ва унда очилган интернет ижтимоий тармоқдаги манзилларини холислар ва мутахассис иштирокида кўздан кечириш процессуал ҳаракати ўтказишганлиги, “DELL” русумли “Notebook” ўзига тегишлилиги, мазкур “DELL” русумли “Notebook” нинг хотирасига кирилганда Код устройства 739F12AD-17B4-4D1F-9EB1-EB2D6D29536C эканлиги, Код продукта 00331-10000-00001-AA962 эканлиги ва “С” диск борлиги ушбу дискнинг сифими 238 GB эканлиги, шундан 118 GB сифими тўлганлиги, 119 GB сифими бўшлиги аниқланганлиги, “DELL” русумли “Notebook” даги “Телеграм” иловасига кирилганида, +998996897423 рақамига фаоллаштирилган “Ramazon”, +998332703349 рақамига фаоллаштирилган “NO”, +998940621223 рақамига фаоллаштирилган “Ramazon” номли akkaунти мавжудлиги, +998996897423 рақамига фаоллаштирилган “Ramazon”, akkaунти холислар иштирокида кўздан кечирилганида, ўзининг мазкур +998996897423 рақамига фаоллаштирилган “Ramazon”, телеграм akkaунти орқали 2023 йил 28 март куни соат 04:38да “206-gruhur Bollari” деб номланган телеграм гуруҳ мавжуд бўлиб, ушбу гуруҳга 12 нафар курсдошлари аъзо бўлганлиги, ушбу гуруҳга, “@Xadis_va_hayot_nasheed????-Xor_boladi” номли, давомийлиги 3:55 дақиқали аудио материални тарқатиб келаётганлиги аниқланганлиги, ўзининг мазкур телеграм akkaунти орқали тарқатган аудио материаллар келгусида текшириб кўришлик учун DVD-R дискка кўчирилганлиги, “DELL” русумли Notebook ва +998996897423 рақамли сим картаси ҳам олинганлиги, ушбу группага “@Xadis_va_hayot_nasheed????-Xor_boladi” номли, давомийлиги 3:55 дақиқали аудио материални тарқатганидан пушаймонлиги, диний таълим олмаганлиги, ўзбек тилидаги ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган аудиоматериални қайси ижтимоий тармоқдан олганлигини билмаслиги, қилган ишидан пушаймонлиги, ёшлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Бурхонов суд мажлисида, 2025 йилнинг 06 май куни ўзининг шахсий ишлари билан Термиз шаҳар ИИБ биносига Россия давлатидан қайтиб келгани учун суҳбатдан ўтиш мақсадида келганлиги, ИИБ ходимлари ёнига келиб, ўзини таништириб, бир иш юзасидан холис бўлиб, қатнашишни сўраганлиги, ИИБ ходимининг таклифига рози бўлганлиги, Музработ тумани “Янгиҳаёт” маҳалласида яшовчи фуқаро ХХХга тегишли бўлган “DELL” русумли “Notebook” хотираси ва унда очилган интернет ижтимоий тармоқдаги манзилларини кўздан кечириш процессуал ҳаракатида холис бўлиб қатнашганлиги, мазкур “DELL” русумли “Notebook” нинг хотирасидаги мавжуд материаллар холислар ва мутахассис иштирокида кўздан кечирилганида, иш учун аҳамиятга эга бўлган фото, видео, аудио ва бошқа форматдаги материаллар аниқланмаганлиги, “Notebook”даги “Телеграм” иловасига кирилганида, ушбу телеграмга +99.689.7423 рақамига фаоллаштирилган “Ramazon”, +33.270.33.49 рақамига “NO” +94.062.12.23



рақамига фаоллаштирилган “Ramazon” номли akkaунти мавжудлиги аниқланганлиги, +99.689.74.23 рақамига фаоллаштирилган “Ramazon” akkaунти холислар иштирокида кўздан кечирилганида, ХХХ ўзининг мазкур +99.689.74.23 рақамига фаоллаштирилган “Ramazon” телеграм akkaунти орқали 2023 йил 28 март куни соат 04:38да “206-gruhur Bollari” деб номланган телеграм гуруҳ мавжуд бўлиб, ушбу гуруҳга 12 нафар курсдошлари аъзо бўлганлиги, ушбу гуруҳга ХХХ “@Xadis_va_hayot_nasheed????-Xor_boladi” номли, давомийлиги 3:55 дақиқали аудио материални тарқатиб келаётганлиги аниқланганлиги, ХХХ ўзининг мазкур телеграм akkaунти орқали тарқатган аудио материаллар келгусида текшириб кўришлик ва экспертлик хулосасини олиш учун DVD-R дискка кўчирилиб олинганлиги, “DELL” русумли Notebook ва +998996897423 рақамли сим карта холислар иштирокида хужжатлаштирилиб олинганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Тиловмуродов суд мажлисида, Термиз давлат университетининг 3-босқич талабаси эканлиги, ўзига тегишли бўлган “Хонор Х 8” русумли телефон аппаратини ишлатиб, ушбу телефон аппаратига ўзига тегишли бўлган +998-50-515-27-21 рақамини ишлатиб, телеграм ижтимоий тармоғида мазкур рақамга фаоллаштирилган “Шохжахон” akkaунтини ишлатиб келганлиги, “206-грухур Боллари” номли телеграм гуруҳини очганлиги, телеграм гуруҳида 9 нафар фойдаланувчилар бўлиб, бир икки фойдаланувчининг иккитадан akkaунтлари мавжудлиги сабабли гуруҳда 12 та иштирокчи кўрилганлиги, курсдоши ХХХ ҳам фойдаланиб, у ўзига тегишли бўлган +998-99-689-74-23 рақамига фаоллаштирилган телеграм профили бўлиб, ушбу рақам ва профилдан фойдаланиб келганлиги, 2022 йилнинг охирларида ўзи томонидан “206-гуруҳ Боллари” номли телеграм гуруҳи ташкил этиб, ушбу гуруҳ асосан курсдошлари иборат бўлиб, гуруҳда мусобақага бориш бормаслиги ва таълим соҳасига оид янгиликлар ёзилиб туришлиги, ушбу гуруҳда диний таълимга оид маълумотлар мавжуд эмаслигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Жумаев суд мажлисида, Термиз давлат университети хорижий филология факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари лавозимида ишлаб келишлиги, судланувчи ХХХ жуда одобли ва факультетидаги энг илғор ва жуда яхши талабалардан ҳисобланишлиги, инглиз тилида олиб бориладиган заковат гуруҳининг сардори ва асосчиси эканлиги, кўплаб тадбирларида фаол иштирок этишлиги, ХХХ келгусида касбининг етук эгаси бўлишлигига университети номидан қафолат беришлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби ашёни кўздан кечириш ҳақида баённома ва фото илова, судга оид диншунослик экспертиза хулосаси, ХХХнинг чин кўнгилдан пушаймонлик аризаси, нарсани кўздан кечириш ҳамда олиб қўйиш тўғрисида баённома ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ушбу Кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкуми ахлоқан тузатиш, унинг жиной фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

Жиноят кодексининг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қарорнинг 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли суд, ушбу қонун талаби ва Пленум қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, қонуннинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этган ҳолда жазо тайинлашликни лозим топади.

Суд, судланувчи ХХХга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8,54-моддаси талабидан келиб чиқиб, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги нормаларга амал қилиб, унинг айбига иқрорлик



билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахсини, айбнинг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити, оилавий аҳволини, ҳозирда содир этган жиноятнинг оқибатларини тўла англаб етганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

- ашёвий далил сифатида олинган жиноят ишида сақланаётган 1 дона “DELL” русумли “notebook” ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497², 497⁴-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ у к м қ и л а д и:

XXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва унга ўқишга бориб келишдан ташқари вақтда Музработ тумани, “Янгиҳаёт” маҳалласидаги яшаш уйдан чиқиши чеклансин.

XXXга қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин.

- назорат қилувчи органнинг (ички ишлар органлари Пробация бўлимининг) розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик ҳамда Сурхондарё вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш Музработ туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Судланувчи XXXга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва Сурхондарё вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 8.000.000 сўм XXXга қайтарилсин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳқумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, ЖКнинг 48¹-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, озодликдан чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни (чекловларни) бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақидаги оқибатлар тушунтирилсин.



Ашёвий далил сифатида олинган жиноят ишида сақланаётган 1 дона “DELL” русумли “notebook” ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.

XXX томонидан “Telegram” ижтимоий тармоғида “Ramazon” номи билан очилган профилида фаоллаштирилган 12 нафар аъзоси бўлган “206-gruhur Bollari” номли Telegram гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги орқали блоклансин.

Блоклаш ишларининг бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги зиммасига юклатилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) сутка ичида, судланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида протест ёки шикоятлар билан муурожаат қилишга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

А.Мирзаев

